Кр 1

Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 23 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (12.577)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларини инобатга олиб ҳамда ташкил этилганининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

2. Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда мазкур санага муносиб тайёргарлик кўриш ҳамда уни юксак даражада ўтказиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

– Ўзбек Миллий академик драма театри биносини капитал таъмирлаш, замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш ҳамда ҳудудини ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– «Ўзбек Миллий академик драма театри» китоб-альбомини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

– Ўзбек Миллий академик драма театри ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

– «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда театр фаолиятига бағишланган учрашувлар ташкил этиш;

– 2014 йилнинг сентябрь ойида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида мамлакатимиз театрлари вакиллари ва фахрийлари, маданият ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик иштирокида ушбу санага бағишланган бадиий кеча ўтказиш тадбирлари белгилансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 январь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2014 йил – Соғлом бола йили

ЖИСМОНАН ВА МАЪНАН СОҒЛОМ ЁШ АВЛОД

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида «Алпомиш» ва «Барчиной» ҳудудий мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақалар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, миллат генофондини соғломлаштириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга етарли шароит ва имкониятлар яратишга доимий эътибор қаратилаётир.

«Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари асосида ўтказилаётган мазкур мусобақа аҳолининг жисмоний тайёргарлигини аниқлашга йўналтирилган синов турларини ўз ичига олади. Мусобақа маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоаларида бўлиб ўтади ва аҳолининг барча қатламларини қамраб олади.

Бектемир туманидаги 580-мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» мусобақаларида боғча ходимлари ва тарбияланувчиларнинг жисмоний имкониятлари синовдан ўтказилди.

Айни пайтда ушбу мактабгача таълим муассасасида 300 нафардан зиёд бола тарбияланмоқда. Бу ерда ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши, таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Боғчада бадиий гимнастика, шахмат-шашка тўгараклари ташкил этилган. Мунтазам равишда болаларнинг ёшига мос ўйин ва машғулотлар ўтказилиши уларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан зийрак бўлиб улғайишига, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари эса улардаги истеъдод ва қобилиятни шаклантиришга хизмат қилмоқда.

Ёшларимизнинг соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбияланаётгани «Алпомиш» ва «Барчиной» мусобақаларида ҳам ўз ифодасини топди. Болалар мусобақа дастуридаги барча машқларни зўр иштиёқ ва қизиқиш билан бажарди.

Тумандаги 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида ўтган мусобақаларда маҳалла вакиллари, ўқувчи-ёшлар, ўқитувчилар иштирок этди.

– Ўзбек жанг санъати билан мунтазам шуғулланаман, – дейди Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Раҳбарой Олимжонова. – Ушбу мусобақа ўқувчи-ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Мусобақа дастуридан ўрин олган жисмоний машқларни бажарган ўғил-қизлар келажакда жисмонан ва маънан соғлом инсонлар бўлиб камолга етади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири
Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенциянинг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Текстиль янги ҳамкор» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизация ишлари корхона маҳсулотларини йилига 220 минг донага етказиш имконини берди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги трикотаж маҳсулотлари ўзининг сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги «Фарҳод» маҳалласида барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуада енгил атлетика, футзал, бокс, бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилган. Қарийб 300 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган мажмуадаги машғулотлар зали, ювиниш, кийиниш хоналари замонавий тарзда жиҳозланди.

● Наманган вилоят ҳокимлигида БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси томонидан вилоятда 2010-2013 йилларда амалга оширилган ишлар ва 2014-2017 йиллардаги истиқболли режаларга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида мактабгача таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш масалаларига бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Флорида штати соҳилларида 12 та дельфин жасади топилди. Улар гриндлар оиласига мансуб бўлиб, жониворларнинг бундай оммавий қирилишига нима сабаб бўлгани номаълум. Айтиш жоизки, Флоридада 2013 йилнинг декабрь ойида ҳам шундай воқеа кузатилганди.

● Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) мутахассислари жорий йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,7 фоиз, келаси йилда эса 3,9 фоиз ўсишини тахмин қилишаяпти. Уларнинг бундай хулосага келиши бир қатор мамлакатларда иқтисодиётнинг тикланиш жараёни тезлашиши, ички ва ташқи бозорда талаб ортиб, ишлаб чиқариш жадаллашиши кутилаётгани билан боғлиқ.

● Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, 2013 йилда сайёрамизда нефтга бўлган кунлик талаб 92,5 миллион баррелга тенг эди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич 1,3 миллион баррелга ортиши кутилмоқда. Бунда халқаро миқёсда ишлаб чиқариш жараёни ўнгланаётгани муҳим аҳамият касб этади.

«ОЧИҚ МУЛОҚОТ»ЛАР МАВЗУСИ КЕНГАЙДИ

Маълумки, икки йилдан буён, Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар ва барча туманлар ҳокимлари, коммунал соҳа вакиллари иштирокида «Toshkent» телерадиоканали орқали бевосита «Очиқ мулоқот» ўтказиб келмоқда. Уларда асосан пойтахт аҳолисининг коммунал соҳалар фаолиятига доир мурожаатлари, жумладан кўп қаватли уйлардаги турли муаммолар, шу билан бирга туманлар аҳолисини қийнаб келаётган саволларга жавоблар берилди. Шу билан бирга, қўйилган масалаларнинг ҳал этилиши шаҳар ҳокимлиги тегишли котибиятлари назоратига олиниб таъминланиши йўлга қўйилди. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг кўпгина муаммолари ечим топмоқда, улар ҳам ўз навбатида бундай камчиликларнинг асл сабаблари нимада экани, жумладан, соҳанинг барқарор ишлашида ўзлари ҳам масъул эканликларини баён этмоқдалар. Жорий йилнинг 29 январидан эътиборан ушбу очиқ мулоқотларнинг мавзуси кенгаядиган бўлди. Албатта, фуқаро ўзини қийнаётган ҳар қандай саволни йўллаши мумкин. Бироқ ушбу мулоқотларга бундан буён коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари эмас, балки пойтахтни иқтисодий–ижтимоий ривожлантиришга масъул бўлган раҳбарлар, хусусан, туман ҳокимлари, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, солиқ инспекцияси, банклар, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўлимлари, туманларнинг газ ва электр таъминоти ташкилотлари, савдо-саноат палаталари мутасаддилари таклиф этиладилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги тадбиркор ва ишбилармонлар, келажагини тадбиркорлик билан боғлаган барча фуқароларга ушбу бевосита мулоқотлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишлари мумкинлигини билдиради. Мулоқотлар ҳар чоршанба куни кеч соат 20 дан 20 дақиқа ўтганида «Toshkent» телерадиоканали орқали эфирга тўғридан тўғри узатилади. Саволларни эфир вақти бевосита уланадиган телефонлар, ҳафтанинг бошқа кунлари эса телеканал орқали эълон қилинадиган ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизматининг 239-05-48 рақамли телефони орқали йўллашингиз мумкин. Мурожаатлар эътиборсиз қолдирилмайди.

Мулоқотлар жадвали илова қилинмоқда.

Тошкент шаҳар туманлари ҳокимликлари раҳбарларининг «Toshkent» телерадиоканалининг «Очиқ мулоқот» кўрсатувида қатнашиш ЖАДВАЛИ

№	Туман номи	Кўрсатув эфирга узатиладиган сана	Иштирокчилар
1.	Бектемир тумани	29.01.14	Туман ҳокими, ҳокимнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, солиқ, тадбиркорларни рўйхатга олиш, электр тармоқлари, тумангаз, савдо-саноат палатаси, банклар раҳбарлари
2.	Миробод тумани	5.02.14	
3.	Мирзо Улуғбек тумани	12.02.14	
4.	Олмазор тумани	19.02.14	
5.	Сергели тумани	26.02.14	
6.	Учтепа тумани	5.02.14	
7.	Чилонзор тумани	12.02.14	
8.	Юнусобод тумани	19.02.14	
9.	Ҳамза тумани	26.02.14	
10.	Шайхонтоҳур тумани	2.03.14	
11.	Яккасарой тумани	9.03.14	

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш масалаларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги кино саройида Ватан ҳимоячиларига бағишланган «Қўрғон» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

МАРД ЎҒЛОНЛАР ТАНЛОВИ

Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежида «Мард ўғлонлар» кўрик-танлови ташкил этилди.

Унда коллежнинг юқори босқич талабалари жисмоний ва тиббий тайёргарлик, фавқулодда вазиятларга тайёрлик, тезкор савол-жавоблар ҳамда рўзғор мактаби шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишлари ҳамда ўз оиласи ва Ватанига бўлган муҳаббатини, садоқатини мустаҳкамлашдан иборатдир.

– Бу каби тадбирлар ёшларимизда ватанпарварлик руҳини шакллантириш билан бирга уларнинг билим олиш ва спортга бўлган қизиқишларини янада оширади, – дейди мазкур коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мукаррам Усманова. – Шунингдек, кўрик-танловимизда турли-туман шартларнинг борлиги иштирокчиларда фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва оилага бўлган кўникмаларини шакллантиради.

Танловда ғолибликни қўлга киритган қатнашчилар ўқув муассасаси томонидан эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ҳамза туманидаги 230-мактабда ўтказилган кўрик-танлов «Аждодларимиз қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат» деб номланди.

Танловлар

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Ҳамза туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан уюштирилган кўрик-танловда туман мактабларидан келган иқтидорли ўқувчилар ўзаро беллашишди.

Танловда қатнашган ёшлар Истиқлол туфайли ёшларнинг билими, доно, зукко бўлишлари учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзлаб беришди. Албатта, бу ёруғ кунларга етишишнинг ўзи бўлгани йўқ. Мамлакатимиз алломалар юрти ҳисобланади. Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари аждодларимизни бутун дунё аҳли танийди. Танлов қатнашчилари аждодларимиз тарихини ҳакамлар ҳайъатига инглиз тилида сўзлаб беришди. Қатнашчиларнинг билими ҳакамларни ҳушнуд этди. Якунда ғолиб бўлган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Таълим

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Шайхонтоҳур туманидаги 124-мактабда ўқитувчилар иштирокида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбир Соғлом бола йилига бағишланди.

Ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий, сиёсий билимларини ошириш, уларнинг ватанпарвар, жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол авлод бўлиб вояга етишларида ота-оналар билан бирга ўқитувчиларнинг ҳам хизмати беқиёс.

Шу боис ҳам тадбир қатнашчилари ёшларга таълим беришда замонавий педагогик технологиялардан, интерфаол усуллардан кенг фойдаланишни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

Ёшлар тарбиясининг шаклланишида китобнинг аҳамияти беқиёс эканлиги ўқитувчилар томонидан яна бир карра уқтирилди ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган иш режалари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР МАҲСУЛОТИ — ХОРИЖГА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳақида

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларининг изчиллик билан амалга оширилаётгани мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлмоқда.

Эришилаётган юксак натижаларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 25 августда қабул қилинган «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тадбиркорларни ортиқча оворагарчиликдан халос этиш ва маҳсулотларини экспортга чиқариш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2011 йил 1 октябрдан экспортга етказиб бериш билан боғлиқ ҳужжатларнинг божхона расмийлаштируви, декларациялаш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати жараёнлари «бир дарча» тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорига чиқишида кўмаклашувчи компания ва жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси улардан биридир.

Жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига экспорт шартномалари тузиш, янги бозорларга чиқиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши учун молиявий ёрдам кўрсатиш, рақобатбардош товарларни жаҳон бозорига етказиш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ва ташқи савдодаги улушини янада кўпайтиришда фаол иш олиб бормоқда.

Қарорда жамғарма ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан халқаро амалиётда умумқабул қилинган миқдорларда – шартнома қийматининг 3 фоизигача бўлган комиссион ажратмалар ҳисобидан даромад олиши белгиланган. 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Навоий, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жамғарманинг филиаллари иш бошлади. Кичик бизнес субъектларига жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари, кўрсатиладиган хизмат турларини кенг миқёсда тушунтириш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги филиалларида тадбиркорлар учун бурчаклар ташкил этилди.

– Тадбиркорлар бизга мурожаат қилиб, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот, унинг йиллик миқдори, нархи, турини кўрсатади, – дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев. – Биз ушбу маълумотлар асосида чет эллик харидорларга тегишли тижорат таклифларини жўнатамиз. Ташқи бозорда харидор топилгач, маҳсулот намуналари юборилади. Экспорт билан боғлиқ маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, шартномалар тузиш, ҳисоб-китоб қилиш, божхона рўйхатидан ўтказиш ва юкни жўнатиш каби барча жараёнда тадбиркорларга яқиндан ёрдам берилади.

Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан бир юз элликдан ортиқ тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар, шу жумладан, маҳсулотни экспорт қилишда зарур бўладиган сертификат ва лицензиялар олишда, шартномаларни рўйхатга қўйиш, хорижий ҳамкорларни топишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 56,4 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари тузилди. Мисол учун, ип-калава ишлаб чиқарувчи «Зартола текстиль», қизилмия илдизидан сироплар тайёрловчи «Dae Yong Licoris» қўшма корхонасига, тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Асклепий-свифт», қандолат тайёрловчи «Sarskaya sladosti» масъулияти чекланган жамиятларига экспорт шартномаси тузишда кўмаклашилди.

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини аниқлаш мақсадида олиб борилган маркетинг ишлари натижасида бугунги кунда дунёнинг икки юзга яқин мамлакатида 48 турдаги маҳсулот ва 15 хизмат турига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Кимё, текстиль, озиқ-овқат, машинасозлик, мебель, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, туризм, ахборот технологиялари, транспорт, молия хизматлари шулар сирасидандир.

Жамғарма маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат таклифларини хорижий ҳамкорларга етказиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида жойлардаги 14 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатдошлик даражасини аниқлади. Таҳлилларга кўра, 2014 йилда уларнинг 1 минг 600 дан ортиғи экспорт қилиш салоҳиятига эга. Юздан зиёд кичик бизнес вакилига ҳамкорлар топишда, икки юздан ортиғига экспорт шартномалари тузиш, банкларда рўйхатга қўйиш ва суғурта полислари, лицензия, сертификат ҳамда бошқа рухсатномаларни олишда, етмишга яқинига хорижий кўргазма ва ярмаркаларда қатнашишда амалий кўмак кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ишончли ҳамкорлар топиш мақсадида жамғарма олтмишга яқин хорижий ташкилот билан ҳамкорлик қилмоқда. Ташқи бозордаги харидорларни мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти билан яқиндан таништириш учун кичик бизнес вакиллари халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркаларида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2013 йил 18-22 ноябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказилган «Мебель, фурнитура ва қопламали материаллар» халқаро кўргазмасида юртимиздаги ўнга яқин мебель ишлаб чиқарувчи корхона ўз маҳсулотларини намойиш этиб, чет эллик ҳамкорлар билан шартномалар тузди.

2014 йилда 400 га яқин тадбиркорга маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, шартномалар тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимоли бўлган турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш, маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий кўргазма ва ярмаркаларда иштирокини таъминлаш назарда тутилган. Хусусан, апрель ойида Хитойда ўтказиладиган «Буюк Ипак йўли» халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида мамлакатимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш учун ушбу давлатнинг Northwest Central Asia Business Co. LTD компанияси билан шартнома имзоланди.

Жорий йилда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш орқали 583 миллион доллар миқдорида экспорт шартномаси тузиш мақсадида корхоналарда сифат менежменти тизимлари (СМТ)ни жорий этиш чоралари кўрилмоқда. «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда ҳудудлардаги бир қатор корхоналар фаолияти ўрганилиб, истиқболли корхоналар аниқланди. 2014 йилда ишлаб чиқариш корхоналарида жамғарма молиявий кўмагида халқаро стандартларга асосан СМТни босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 2014 йилда экспорт билан шуғулланувчи корхоналар ва маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни янада фаол олиб боради. Бу мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Qishloq Qurilish Bank

Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатила бошланди. Бу борада қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бугун бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ мамлакатимиз бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда тадбиркорлик субъектларининг улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитларнинг айниқса аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш жоиз.

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Мен шифокор сифатида кўп йиллардан буён оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдаман. Муҳтарам Юртбошимизнинг қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолининг яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасидаги ташаббусларини, намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қурилиши борасида олиб бораётган оқилона сиёсатларидан таъсирланган ҳолда, мен ҳам ушбу бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамни қўшишга қарор қилдим.

«Манзурабегим Салтанати» хусусий корхонамиз негизида Олтиариқ тумани, Тинчлик шаҳарчаси ҳудудида «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Марғилон филиалидан олинган 45 миллион сўмлик кредит эвазига «Соғлом аёл маркази» мажмуасини қуриб битказдик. Навбатдаги 20 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига эса ушбу марказни замонавий ускуналар билан жиҳозладик. Шу кунларда марказдаги «Тренажёр зал», «Келинлар либослари салони», «Гўзаллик салони», «Массаж хонаси» ва «Сауна» аёлларимиз хизматида. Хусусий корхонамизнинг ишга тушиши натижасида 6 нафар туманимиз ёшлари доимий иш билан таъминланди.

2014 йил — «Соғлом бола йили»да эса жамоамиз билан янги режалар тузиб, қўшимча равишда тикувчилик цехи ва сув ҳавзаси барпо этишни кўзда тутганмиз. Яъни биз тадбиркорлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларига жавобан сидқидилдан меҳнат қилиб юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

Манзурахон ФАЙЗИМАТОВА,
Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги «Манзурабегим Салтанати» хусусий корхонаси раҳбари

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2014 ЙИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 186-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган 2013 йил 27 ноябрдаги 01/14-645-сонли, 53-сонли ва Б.Ю/03-04-06/124-сонли ижара тўловининг энг кам ставкалари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси томонидан ўрганиб чиқилганлигини инобатга олиб, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 541-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 39-сон, 399-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда) 25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара тўловини аниқлаш тартиби 2-иловага, ижара ҳақини ҳисоблашда давлат объектларига қўшимча коэффициент қўлланиладиган Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» давлат корхонаси (Р. Мусажонов):

Ижара ҳақи қийматини белгилашда 1-иловада кўрсатилган кўчмас мулк учун қўлланиладиган энг кам ставкаларидан, ижара ҳақини ҳисоблаш тартибини 2-иловага асосан ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхатидан 3-иловага асосан таянч сифатида фойдаланилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 3[1]-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг «ноль» ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни 16-моддасига асосан ушбу қарорнинг 2-иловасининг 2.1-бандида келтирилган бино ва иншоотларнинг фасад қисмидан реклама воситалари учун ижара сифатида фойдаланишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги реклама ва ахборот фаолияти бўйича комиссияси тасдиқлаган ва тавсия қилган ижтимоий рекламалар жойлаштирилган муддатга ижара тўловларидан озод этилиши назарда тутилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Давлат мулкини балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» давлат корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

4. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорати Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Рахмонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р. Усманов

2014 йил, 14 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

2014 йил — Соғлом бола йили

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ — ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Президентимизнинг 2014 йилни Соғлом бола йили деб эълон қилганликлари келажагимиз давомчилари бўлмиш болажонлар соғлиғининг нақадар долзарб аҳамият касб этишининг яна бир карра эътирофидир.

Юртбошимизнинг XXI асрни «Интеллектуал ёшлар асри» дея эътироф этишлари ҳам бежиз эмас. Зеро, интеллектуал, баркамол, ҳар томонлама етук, илмли ва тадбиркор ёшларнинг илмли ота-оналар бўлган оила бағрида тарбия олишлари мумкиндир.

Айниқса, оналарнинг бу борадаги хизматлари улкан ва улар бу ишга масъулдирлар. Шунинг учун илмли аёллар зиммаларига она бўлишдек улуғ бир вазифа тушгач, бўлажак фарзандларини замон талабига мувофиқ равишда тарбиялашдек юксак масъулиятни ҳис этадилар. Оилаларда фарзандлар одоб-ахлоқ бобида ёмон хулққа эга бўлсалар, билингки бу оилада болалар тарбиясига катта эътибор берилмаган, ота-оналар молу давлат орттирмоқ ниятида кечаю кундуз тинмай, мўмай пул топиш мақсадида елиб-югуриши натижасида нафақат ўзларининг, балки фарзандларининг ҳам ахлоқи бузилиб, маънавий жиҳатдан оқсаган ҳолда вояга етишларига олиб келади.

Бундай ҳолатлардан эса нафақат ушбу оила, балки охир-оқибат жамиятимиз ҳам зарар кўради.

Зеро, оилада одобсиз ва тарбиясиз фарзандлар ўсиб, вояга етадиган бўлса, улар нафақат тарбия қилган ота-она учун, балки оиласи, маҳалласи, қолаверса, бутун жамият учун ғам-ташвиш ва муаммолар олиб келиши табиийдир. Шунинг учун ҳар бир оилада яхши фарзанд ўстириб, вояга етказишдек масъулиятли вазифани шарафли бурч деб ҳисобламоқликлари керак бўлади. Хўш, бу вазифаларни бажармоқ учун ота-оналар қандай фазилатларга эга бўлмоқликлари ва қандай вазифаларни асосий деб қабул қилмоқликлари керак бўлади?

Бунда албатта, ота-оналарнинг ўзлари биринчи навбатда хушхулқ, одобли-ахлоқли, яхши тарбия кўрган бўлишлари лозимдир. Қолаверса, фарзанд тарбиясини энг масъулиятли ва шарафли вазифа деб ҳисоблаб, ота-оналар барча эзгу амалларни бажаришар экан, бунда биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ўз диққатларини қаратмоқликлари керак бўлади.

Фарзанд туғилганда (ҳатто туғилишидан аввал ҳам шунга ўзларини тайёрлашлари керак) чақалоқнинг ҳар томонлама соғлом — ҳам жисмонан бақувват, ҳам руҳан тетик бўлиб улғайишларига масъулдирлар. Оналарнинг истеъмол қилаётган таомлари ҳалол ва пок меҳнат қилиб топилган ризқ-насиба ҳисобига бўлмоғи керак. Ҳомиладаги бўлажак фарзанднинг соғлом ривожланиши бевосита шунга боғлиқ бўлади. Фарзанд дунёга келгач эса, чақалоқни гўдаклик чоғидан бошлаб ўз вақтида ва меъёрида овқатлантириш, ухлатиш, тоза ҳавода сайр қилдириш каби вазифаларни асосий деб қабул қилган ҳолда ота-она мумкин қадар бу вазифаларни бошқа бировнинг қўлига топшириб қўймасдан ўз зиммасига олиши керак. Чақалоқ шундагина она меҳридан тўлиқ баҳраманд бўлади. Минг афсуски, ҳозирги вақтда баъзан оналарнинг (мажбурликларидан бўлса керак, албатта) фарзандлари тарбиясини энагалар қўлига топширишлари одат тусига кириб бораяпти.

Ота-оналар ўзлари ибрат бўлиб, ўқиш, илм олиш севимли машғулот эканлигини эътироф этганлари ҳолда, фарзандларида ҳам илм олишга, ўқишга муҳаббат уйғотмоқликлари зарур бўлади. Мактабда таҳсил олиш давриданоқ фарзандларининг ўқишга қунт билан ҳаракат қилишлари, дарсларни вақтида ўзлаштиришлари, уй вазифаларини бажаришларини назорат остига олиб боришлари, мактаб ўқитувчилари билан ҳам доимий равишда мулоқотда бўлишлари жоиздир.

Оналар ўз фарзандларига (айниқса қизларга) ёшлигидан бошлаб уй-рўзғор ишларини, юмушларини оз-оздан ўргатиб боришлари зарур. Қизларига бичиш-тикиш, идиш-товоқ ювиш, уйларни супуриб-сидириш, озода тутиш каби ишларни ўргатишлари лозим. Шу билан бирга, қизларга бир оз каттароқ бўлгач дастурхон безатиш тартиблари, овқат тайёрлаш, ширин пишириқлар пишириш каби ишларни ҳам ўргатишлари керак бўлади. Албатта, буларнинг барчасига фарзандларига озодаликка риоя қилиш, саранжом-сариштали бўлиш каби хислатларни сингдириш вазифалари ҳам киради.

Ота-оналарнинг фарзандларига яхши ёки ёмон инсон қандай бўлишини уларнинг гўдаклик пайтидан бошлаб, халқ оғзаки ижодидаги эртакларнинг салбий ва ижобий қаҳрамонлари, турли хил ҳикоялар, воқеалар, мультфильм қаҳрамонлари орқали ҳам тушунтириб боришлари талаб қилинади.

Болаларга бақириб-чақирмасдан энг асосийси, уларни қарғамасдан, урмасдан тарбия қилишга одатланиш керак. Оналар эса фарзандларига гўдаклигидан бошлаб, оталарини энг ҳурматга лойиқ инсон сифатида танитишлари, ақлли, улуғ ва ғайратли киши сифатида кўрсатишга одатланишлари лозим. Оталарининг камчиликларини болаларга айтиб, уларнинг кўнглини отасидан совутмаслик зарур.

Ота-оналар ўз фарзандларининг кимлар билан дўстлашаётганлиги, кимлар билан қаерда, қандай ва нима ишлар қилаётганлигини доимий равишда назоратда ушлашлари шарт.

Дастурхон атрофидаги оилавий суҳбатлар чоғида овқатланиш, таом ейиш тартиблари ва одоблари ҳақида ўзлари намуна ва ибрат бўлганлари ҳолда фарзандларига ўргатиб боришлари керак. Оналар ўз фарзандларига гўдаклик чоғларидан кийиниш одоби, тананинг озода бўлиши лозимлигини уқтириб, кийимларининг тозалигига эътибор беришлари керак. Бу болаларнинг саломатлиги, бақувватлиги, кайфияти яхши бўлишлигининг гаровидир.

Фарзандларини кўп ухлашдан, ялқовликдан, дангасаликдан сақламоқликлари керак. Уларнинг доимо ҳаракатда бўлишларига, жисмоний меҳнат қилишларига эътиборларини қаратишлари муҳимдир.

Оиланинг тинчлиги, осойишталиги, саранжом-сариштали, оила аъзоларининг бир-бирларига бениҳоя меҳр-муҳаббатли, садоқатли бўлиши мана шундай фазилатларга эга бўлган ота-оналарга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Агар оилада ота-оналар юксак одоб-ахлоқ эгаси сифатида ақлли, доно, меҳрибон, самимий, камтарин, заҳматкаш, тадбиркор бўлсалар, бундай оилаларда кундалик ҳаёт ниҳоятда фаровон ва кўнгилли ўтади. Шундай муҳитда тарбия олаётган фарзандлар ҳам шу фазилатлардан баҳраманд бўлиб, ҳамма ҳавас қиладиган меҳнаткаш, қўли гул, ғамхўр бўлиб улғаядилар.

Биз ўзбекларда ажойиб нақл бор — «Онасини кўриб, қизини ол» дейишади. Бу ибора ҳам ана шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас.

Оилада она зиммасига мана шундай ниҳоятда масъулиятли вазифа юклатилган бўлса ҳам, лекин уни муваффақиятли бажариш ва оилада соғлом болани тарбиялашдек шарафли ишда оталарнинг ўрни ҳам каттадир.

Одатда бирор йигит уйланса, дўстлари, яқинлари унга қарата «Ҳа, мана энди ола хуржун бўйнингга тушди», дея ҳазил аралаш айтишади. Ҳақиқатда эса бу хуржун нафақат куёв бўлмиш йигит бўйнига, балки унинг жуфти-ҳалоли — келиннинг ҳам зиммасига баробар тушади. Бу «ола хуржун» оғирлигини эру хотин тенг кўтармоқликлари зарур бўлади. Турмушнинг барча қийинчиликларини, оғирликларини, машаққатларини биргаликда, сабр-тоқат ва ақиллик, бир-бирига ҳурмат билан енгиб ўтсаларгина оилавий ҳаётлари ширин ва бахтли бўлиб, муқаддас мақсадлар сари боришлари осонлашади. Бу оиланинг ҳақиқий бахти, муҳаббати бир-бирига меҳр кўзи билан боқишлари орқали тугамайди, балки икковларининг ягона мақсад сари биргаликда интилишларида намоён бўлади. Ушбу ҳол оилавий ҳаётга гўзаллик ва бахтиёрликни бахшида этади.

Соғлом бола йилида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда сабр-бардош ва соғлиқ-саломатлик тилаган ҳолда фарзанд тарбияси, уни соғ-саломат, баркамол тарзда ўстириш умумжамият иши эканлигини, унинг муваффақияти эса юрт равнақи, унинг буюк келажаги билан бевосита боғлиқ бўлишини унутмайлик.

Ҳамиджон ТОҲИРЖОНОВ,
фан номзоди

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) ратификация қилинган.

Пойтахтимизда «Гендер статистикасини жамлаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида мазкур ҳужжатлар асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва уларнинг самаралари хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлиги ва Осиё тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизларга бўлган юксак эътибор туфайли уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётгани таъкидланди. Бунда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асос муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор масаласи БМТнинг тегишли қўмитаси томонидан ўрганиб борилмоқда. Ўтган даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг ижросига доир тўртта Миллий ҳисобот кўриб чиқилган. Давлатимизнинг ҳар бир даврий ҳисоботи муҳокама қилиниб, унинг натижаларига кўра якуний таклифлар тақдим этилган. Шу асосда мамлакатимизда Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, гендер статистикаси эркаклар ва аёллар, ўғил ва қиз болаларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаолиятида юз берётган ўзгаришларни кузатиш имконини беради. Эркак ва аёлларнинг шарт-шароитлари, муаммоларини аниқлашга кўмаклашади. Шу боис мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатимиз гендер статистикаси бўйича илк веб-сайт яратилди. Тадбирда тақдимоти ўтказилган мазкур манбада мамлакатимиз ҳаётига оид демография, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш йўналишлари бўйича барча маълумотлар жамланиши билан бирга, ҳуқуқбузарликка оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

Анжуманда гендер статистикасига оид бундай кенг кўламли маълумотлар базаси дастур ва стратегияни ишлаб чиқишда, муваффақиятли режалаштириш ва мониторинг олиб боришда муҳим аҳамият касб этиши, уни мунтазам такомиллаштириб бориш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ИЗЧИЛ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

«ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида 22 йилдан буён фаолият олиб бормоқда.

«ЭКОСАН» ХЖФнинг асосий мақсади — салбий экологик омилларнинг табиат ва атроф-муҳитга, инсонга ва умуман экотизимга таъсирини камайтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга кўмаклашиш, Марказий Осиёда атроф-муҳит ва экологик Барқарор ривожланиш соҳасида маҳаллий, минтақавий ва халқаро дастур ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилиши, шунингдек, аҳолининг экологик онги ва дунёқарашини шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзи борасида турли даражадаги кенг кўламли чора-тадбирларни ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳоли қатламига ва ижтимоий объектларга хайрия ёрдамларини амалга оширишдан иборат.

«Обод турмуш йили» муносабати билан, «ЭКОСАН» ХЖФ аҳоли ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, атроф табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлиш, кўрик-танловлар уюштириш, санитария, гигиена ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳамкорликдаги пилот лойиҳаларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий-гигиеник ва экологик шароитларини яхшилаш ҳамда тоза ичимлик суви танқис бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, хайрия ёрдами кўрсатиш каби ўзининг 5 банддан иборат Мақсадли дастури асосида фаолиятини амалга оширди.

Ушбу дастур асосида «Ўзбекистон: биохилмахилликни муҳофаза қилишда Рамсар сувли-ботқоқли ҳудудларнинг ўрни ва истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган прокурорлик назорати ва вазифалари» мавзусида учрашув, Тошкент Давлат педагогика университетида «Инсон — табиатнинг бир бўлаги» мавзусида, Тошкент машинасозлар, иқтисодиёт ва педагогика, Термиз ва Денов тиббиёт коллежларида «Экология ва саломатлик» мавзусида, Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда «XXI асрда экология ва саломатлик ҳамда экологик тарбия» мавзусида эколог ва тиббиёт олимлари иштирокида, Тошкентдаги 73-, 274-, 258- ва Термиздаги 3-сонли умумтаълим мактабларида «Экология, саломатлик ва ёшлар» мавзусида учрашувлар, пойтахтдаги 484- ва 60-сонли мактабгача болалар таълим муассасаларида «Нима мумкин — нима мумкин эмас?» ва «Сув — ҳаёт манбаи» расмлар кўргазмалари ўтказилди. — «Қадр–қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиори остида Ўзбекистон Бадиий академияси, Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон «Адолат» СДП билан ҳамкорликда «Бу замин — менинг Ватаним» фото, видео, дизайн, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўрик-танловининг якуни бўйича ғолиблар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Чинор» ЭНК ҳамкорлигидаги «Атроф-муҳит муҳофазаси ва Барқарор ривожланиш соҳасидаги энг яхши журналистик ишлари учун» «Қоплон-2013» Республика танлови якунланиб, совриндорлар тақдирландилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида, «Атроф-муҳит муҳофазаси ва Барқарор ривожланиш масалалари бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш» лойиҳаси ижроси бўйича республикамиз ҳудудларига, жумладан, БМТнинг Ўзбекистондаги Глобал экологик фонди Кичик грантлар дастури билан ҳамкорликда Хоразм вилоятида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Фарғона ва Жиззах вилоятларига, бир қатор вазирлик, идора, сиёсий партиялар, фермерлар ва ОАВ вакиллари иштирокида халқаро экологик саналарга бағишланган матбуот конференциялари, семинарлар, экомедиатурлар ташкиллаштирди ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Навоий, Самарқанд вилоятларига экомедиатурларда фаол иштирок этди.

«ЭКОСАН» ХЖФ 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг грант танловлари доирасида ютиб олган «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари» китобини тайёрлаш ва чоп эттириш» (лойиҳа маблағи 14 млн.сўм) ва «Сурхондарё вилояти «Экология — саломатлик» ҳудудий газетасининг экологик маданият ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш» (лойиҳа маблағи - 15 млн.сўм) лойиҳалари ижросини бошлаб юборди ва улар доирасида бир қатор учрашувлар, давра суҳбатлари ва Сурхондарё вилоятига экологик рейд ва семинар ташкиллаштирди.

«ЭКОСАН» ХЖФ ҳозирда қабул қилинадиган «Соғлом бола йили» Давлат дастури билан ҳамоҳанг ҳолда амалга ошириш бўйича ўз иш режаларини белгиламоқда.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» ХЖФ бўлим бошлиғи

Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицейда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.

«Камолот»

ФАОЛИЯТ САМАРАСИ ОШМОҚДА

Конференция иштирокчилари дастлаб Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, 304-сонли умумтаълим мактаби, Сергели политехника касб-ҳунар коллежи, 237-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари ижодий ишларидан ташкил топган кўргазмалар билан танишдилар.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни демократик тамойиллар, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънан етук ва жисмонан соғлом фуқаролар бўлиб вояга етишларида кўмаклашиш каби эзгу мақсадларни амалга ошириш учун ёшларимиз ташаббуси билан 2001 йилнинг 25 апрель куни бўлиб ўтган таъсис қурултойида Ўзбекистон «Камолот» ЁИҲ тузилган.

– Ўтган йиллар давомида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан ёшларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, баркамол авлодни маънавий камол топтириш, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби қатор йўналишлар бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, – дейди биз билан суҳбатда «Камалак» болалар ташкилоти раиси Акбаржон Абдураимов. – Ёшлар ҳаётига дахлдор ушбу ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбирга тайёргарлик кўриш доирасида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар юқори савияда ташкил этилмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш соҳасида 37 та, маънавий-маърифий соҳасида 71 та, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш бўйича 42 та, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида 60 та, спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган 84 та маънавий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир.

Сергели туман Маънавият тарғибот маркази раиси Баҳодир Хайитматов сўзга чиқиб мамлакатимиз ёшлари ҳар бир соҳада ўз иқтидорларини намойиш этибгина қолмай, «Камолот» ЁИҲ томонидан ўтказиб келинаётган давра суҳбатлари, учрашувлар, тадбирларда фаол қатнашаётганликлари, мухтасар қилиб айтганда, ўғил-қизларимиз Ватанга муҳаббат руҳида, истиқлол фарзандлари бўлиб камол топиб келаётганликлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Конференция давомида янги таркибдаги Кенгаш аъзолари ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши раиси сайланди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 22.01.2014 йилдаги 6572/26-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Бошланғич нархи – 200 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ҳувайдо кўчасида жойлашган умумий майдони 473 кв.м., асосий бинолар сони 4 та, ёрдамчи иншоотлар сони 6 та, қурилиш остидаги участка майдони 156,01 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 86,16 кв.м. бўлган 21-уй (ҳовли).

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 28 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: №0039

Сергели политехника касб-ҳунар коллежи Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари Ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-31.

«SHOIRA DENT SERVIS» хусусий корхонаси ўз номини «SHOIRA DENT SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади.

«SHOIRA DENT SERVIS» хусусий корхонасига нисбатан даъволар бир ой ичида + 99890 948-14-22 телефони орқали кўриб чиқилади.

Спорт янгиликлари

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Россияда дзюдо бўйича халқаро турнир бошланиш арафасида.

Унда кўпгина мамлакатлардан ташриф буюрадиган дзюдо усталари қатори юртимиз вакиллари Яҳё Имамов ва Соҳиб Курбонов ғолиблик учун кураш олиб боришади.

АҚШда бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда қатнашган ҳамюртимиз Тахмина Икромова Тошкентга ёруғ юз билан қайтди.

ТАХМИНАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ушбу нуфузли турнирда терма жамоамизнинг етти нафар аъзоси иштирок этди. Қувонарлиси, бадиий гимнастиканинг предметларсиз бажариладиган машқлар йўналишида Тахмина Икромова барча рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Бадиий гимнастиканинг обруч билан бажариладиган машқлар йўналишида эса Тахминага турнирнинг кумуш медали насиб этди.

Эътиборлиси, ушбу мусобақада қатнашган терма жамоамиз аъзолари учун турнир ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

ЭРМАТОВ БРАЗИЛИЯГА БОРАДИ

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси ҳакамлар ижроия қўмитаси томонидан жорий йилда Бразилияда уюштириладиган жаҳон чемпионати учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар рўйхати тасдиқланди.

Унга кўра, 2010 йилда Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида бир нечта учрашувларни бош ҳакам сифатида бошқарган ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатини бошқарадиган ҳакамлар рўйхатидан ўрин эгаллади.

Жорий йилги жаҳон чемпионати баҳсларида Равшан Эрматовга қанотларда ҳамюртимиз Абдуҳамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам беради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда факультетлараро «Ҳарбийлар беллашганда» деб номланган ҳарбий спорт мусобақаси ташкил этилди.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МУСОБАҚА

– Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур беллашувни уюштиришдан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш, улар орасида спорт турларини оммалаштиришдан иборат. Ушбу беллашувда институтимизнинг Қурилиш, Электромеханика, Иқтисодиёт ҳамда Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультетларининг талабалари иштирок этди, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бошланғич ташкилоти раиси Фаррух Азимов. – Фаол, жасур ва эпчил талабалар турникда тортилиш, 100 метрга югуриш, арқон тортиш, савол-жавоб сингари шартлар асосида ўз куч ва билимларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Шунингдек, талаба-ёшларни Ватанга садоқат, мустақил она диёримизга меҳр-муҳаббат руҳида, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи баркамол авлод қилиб тарбиялаш борасида институтда ўтказилаётган юқоридаги каби спорт ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар, турли давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ўз навбатида, уларнинг замонавий давлат таълим стандартлари асосида билим олишлари, юрт келажаги учун жонкуяр авлодлар бўлиб етишишларида хизмат қилмоқда. Институтнинг Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультети 1-босқич талабаси Фаррух Султоновнинг таъкидлашича, ташкил этилаётган бундай тадбирлар асосида яратилган барча шарт-шароит ва қулайликлардан унумли фойдаланиб, она юртимизга садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир талаба учун муқаддас вазифа ҳисобланади.

Ҳарбий спорт мусобақаси якунида барча шартлар бўйича фаол иштирок этган жамоалар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бошланғич ташкилоти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, ЎзДЖТУ талабаси

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги «2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 мартдаги «2013 йилда сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Тошкент шаҳар аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида республика ишчи гуруҳи томонидан қатор муҳофаза тадбирлари амалга оширилмоқда.

МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Хусусан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари томонидан «Бўзсув» ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги «Салор» каналининг Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Миробод, Яккасарой ва Сергели туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи 24,5 километрлик тўлиқ масофаси кўздан кечирилиб, қирғоқларнинг мустаҳкамлиги, тубининг тозалиги ва санитария ҳолатининг қониқарсизлиги аниқланди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, асосий вазифалар ва кечиктирмай амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами белгилаб олинди ва сув тошқини хавфининг олдини олиш бўйича қатор муҳофаза тадбирлари амалга оширилиб, Бўзсув ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги «Салор» каналида туманлар кесимида амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганиб чиқилди.

Тадбир давомида Юнусобод тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Салор» каналининг 300 погон метр узунликдаги қисми қирғоқлари сув ўтлари, ҳар хил маиший чиқинди ва ахлатлардан тозаланиб, бу ишларга шаҳар Бўзсув ирригация тизими, Сув хўжалиги ва туман ободонлаштириш бошқармаларидан зарур техника ва ишчи-ходимлар жалб этилди.

«Салор» каналининг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида эса тозалаш ишларига туман ободонлаштириш бошқармасидан 30 нафар ишчилар жалб этилиб 170 погон метр узунликдаги қирғоқлари ҳар хил маиший чиқинди ва ахлатлардан тозаланди. Бундан ташқари, туман ДСЭНМ, Ер ресурслари давлат кадастр хизмати ва архитектура бошқармаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан каналнинг санитария зонасида ноқонуний, ўзбошимчалик билан қурилган 3 та кўприк, 1 та товуқхона, 7 та ёғоч тўсиқларни бузиш бўйича ёзма огоҳлантиришлар берилди.

Ҳамза тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Салор» каналининг 576 погон метр узунликдаги ўнг ва чап қирғоқлари бетонланган, ўрганиш жараёнида каналнинг санитария зонасида ноқонуний қурилган қурилмалар аниқланмади. Ҳозирги кунда канал туби ва атрофлари тозаланди, қирғоқ бўйида жойлашган дарахтларга шакл берилиб, кесилган шох-шаббалар олиб чиқиб кетилди.

Мазкур каналнинг Яккасарой тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи 129 погон метр Миробод тумани билан чегарадош қисмидаги Кичик Бешёғоч кўчасидан 250 метр узунликдаги ҳудудлари қирғоқлари сув ўтларидан тозаланди.

Ва ниҳоят, Сергели тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Салор» канали муҳофаза ҳудудида аниқланган 36 та ноқонуний қурилмалардан 5 таси бузилди. «Нўйқўрғон» маҳалласи Паризод кўчасидан оқиб ўтувчи қисмининг ўнг қирғоғидаги ҳожатхона, юмшоқ мебель корхонаси орқасидаги Саъдий кўчаси, 30а-уйга қарашли молхона, Паризод кўчаси 97-уйга қарашли тўсиқ (дарвоза ва девор), шу манзилдаги сетка билан ўралган.

Раҳмуддин НУРАЛИЕВ, Тошкент шаҳар ФВБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник
Азамат СУЮНОВ, журналист

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ишонч инсонга куч бағишлайди.

* * *

Эътироф ғурур уйғотади.

* * *

Ҳамиша яхши кайфиятда юриши ҳам кишининг соғломлигидан дарак беради.

* * *

Худбинга иши битса бўлди.

* * *

Насиҳат бериш осон,
Насиҳат олиш қийин.

* * *

Яхши кунда ҳамма қариндош,
Ёмон кунда ҳамма бегона.

* * *

Одатда, яхшилик қилган унутади-ю, бировга фойдаси тегмаган тана қилади.

* * *

Гоҳида ҳақи йўқ ҳақ талаб қилади.

* * *

Ҳаёт кутганингни бермайди сира.

* * *

Йўл топмаган ҳасратга ошно.

* * *

Имконият ҳамиша мавжуд — ҳамма гап уни топа олиш ва ишга сола билишда.

* * *

Инсон баъзида ўзини ўзи тушунмайди-ю, буни бошқалардан талаб қилиши ноўрин.

* * *

Баъзилар ўз хомхаёлларининг асиридир.

* * *

Майдон полвонсиз қолмас.

* * *

Бугун мени ғийбат қилганлар эртага сени ғийбат қилиши муқаррар.

(Давоми бор)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 25 февраль куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 2013 йил 7 августдаги 1-2772/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Avto Plaza Servis» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 В 103 DA бўлган «Тойота Прадо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 80 000 000 сўм.
2. Яккасарой туман СИБ томонидан 2013 йил 14 майдаги 10-1310/7935-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 820 WAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 447 686,14 сўм.

2014 йил 11 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Сергели туман СИБ томонидан 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2008 йилда и/ч дав. бел. М 7727 бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 172 665 864,70 сўм. 2. 2001 йилда и/ч дав. бел. 10 AG 777 бўлган «Мерседес-Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 137 323,70 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан 2012 йил 3 майдаги ижро варақага асосан хатланган, Сергели тумани СИБ ҳовлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч дав. бел. 01 S 593 FA бўлган «Газ311000» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 237 016 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан ариза эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 07.04.2011 йил Реестр № 006857-08 рақами билан рўйхатдан ўтган «Betto OPTIMA» (ИНН 301 941 244) масъулияти чекланган жамияти тугатилади.

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 244-77-71, 925-20-18.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2007 йил 10 мартда Реестр № 000448-02 рақами билан рўйхатдан ўтган «ARISTELLA TRADE» (ИНН 206850706) масъулияти чекланган жамияти тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (93) 510-34-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида янгидан ташкил этилган "Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқарма" қуйидаги штатларга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи.
Иқтисодчи.
Ҳисобчи.
Ишчи ирригатор.
Ободонлаштириш ишчиси.
Канал назоратчиси.
Трейлер ҳайдовчилари.
Сачман ҳайдовчилари.
Автобус (ISUZU) ҳайдовчилари.
Автокўтарма (автовишка), автокран, занжирли ва ғилдиракли бульдозер машинистлари.

Ишга танлов асосида қабул қилинади. Маошлар штат жадвали асосида белгиланади.

Мурожаат учун манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Темурмалик кўчаси, 3«А» (собиқ 3-сон Трамвай-троллейбус депоси биноси) уй.
Телефонлар: +99890 994-71-72, +99890 998-15-52.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 6-8 дараже илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати хабарига кўра, **24 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 156

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ